

**Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф мухитни
муҳофаза қилиш давлат қўмитаси**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳасини ID-24571 (V-1) кўриб чиқиб, қўйидагиларни маълум қиласди.

1. Низом лойиҳасининг 9-бандида ташкилий хуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар барча чиқинди чиқарувчилар қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи технологик регламентга ва давлат экологик экспертизасининг ижобий хulosасига эга бўлиши шартлиги кўрсатилган.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда юртимизда рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сонли “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг соддалаштирилган механизmlарини белгилаш, шаффофликни таъминлаш, бизнес билан ўзаро муносабатларда хуқуқий аниқликни мустахкамлаш ва давлат органлари томонидан асоссиз маъмурий назоратни бекор қилиш орқали лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликни жадал такомиллаштириш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сонини босқичма-босқич қисқартириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли “Рақобат мухитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Концепцияда амалдаги лицензия турлари ва бошқа рухсат берувчи хужжатларни қайта кўриб чиқиш, кейинчалик уларни камида икки бараварга қисқартириш кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармонига кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларнинг айрим турлари бекор қилиниши, айрим турлари бирлаштириш йўли билан бекор қилиниши, айрим турлари хабардор қилиш тартиби жорий этилиши йўли билан бекор қилиниши,

лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг айрим турларини расмийлаштириш муддатлари қисқартирилиши белгиланган.

Низом лойиҳасида чиқинди чиқарувчиларга тартибга солувчи технологик регламентига ва давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасига эга бўлиш талабини белгиланиши, қўшимча рухсат бериш тартибтаомилларига тенглаштирилади ва натижасида тадбиркорлик фаолияти соҳасида ортиқча тўсиқларнинг пайдо бўлишига, молиявий ҳамда вақтинчалик қўшимча харажатларига, бозорда рақобатнинг чекланишига олиб келади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарори 5-банди “в” кичик бандида 2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш ишлари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишида қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари ҳажмларини ва уларни тўплаш жойларини белгилаш, шунингдек, улар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича лойиҳавий ечимлар назарда тутилиши белгиланган.

Мазкур қарори 12-банди учинчи хатбошида эса, қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ҳамда бир вақтда объектнинг зилзилага бардошлилиги ва ёнгин хавфсизлиги бўйича лойиҳавий ечимларини экспертизадан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти талабларига кўра, экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш органлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари келишиш бўйича тегишли хулоса берилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сон қарори доирасида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишида қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари ҳажмларини ва уларни тўплаш жойларини белгилаш шунингдек, улар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича лойиҳавий ечимлар назарда тутиш лозим ҳисобланади.

Шу муносабат билан, низом лойиҳасидан жорий этилиши назарда тутилган тартибга солувчи технологик регламенти билан боғлиқ барча талаблар ва нормаларни чиқариб ташлаш лозим ҳисобланади.

2. Низом лойиҳасининг 19-банди иккинчи хатбошида қурилиш чиқиндиларини вақтинча сақлашнинг (тўплаш, жойлаштиришнинг) чекланган муддати 7 календарь кунидан ошмаслиги шарти белгиланган.

Ушбу талаб чиқинди чиқарувчиларга ноқулайликлар, қийнчиликлар ва ортиқча молиявий ҳаражатларни олиб келмаслиги мақсадида қурилиш чиқиндиларини вақтинга сақлашнинг муддатини 30 календарь кунидан ошмаслигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

3. Низом лойиҳасининг 20-бандида қурилиш чиқиндиларини вақтинга сақлаш жойларига қўйиладиган талаблар белгиланган.

Бироқ, ушбу бандда агар қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари аҳоли яаш худудида амалга оширилган тақдирда мазкур чиқиндиларни вақтинга сақлаш жойлари аҳоли яаш худудидан (хонадонларидан) қанча узоқликда жойлаштирилиши ҳамда уларни вақтинчалик сақлаш муддати аниқ кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти Қонунининг 12-моддасида товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланиши кўрсатилган.

Шунга кўра, Низом лойиҳасининг 20 ва 39 – бандларини қайта қўриб чиқиш зарур.

Шу билан бирга, чиқинди чиқарувчилар ва қурилиш чиқиндиларини ташувчилари томонидан агарда ушбу ишларни амалга оширишда истеъмолчилар (аҳоли) ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-муҳит учун заар етказилган тақдирда уларнинг жавобгарлик масалаларини аниқ белгилаб кетилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур қарор лойиҳаси бевосита тадбиркорлик субъектларнинг манфаатларига таъсир қилинишини инобатга олиб, шунингдек уларнинг фаолияти тўхтаб қолмаслик ва унга салбий таъсир кўрсатмаслик мақсадида, ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кириши назарда тутувчи банд қўшиш лозим ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ти қарори лойиҳасини юқоридаги таклиф ва эътиrozларни инобатга олгандан сўнг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.